**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари С.Эшматовнинг 2022 йил апрель ойи учун фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари**

*(ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва солиқ қарзини қисқартириш масалалари)*

Эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган кўмакни мониторинг қилиш ва доимий даромад манбаини яратиш йўналишида 366 та доимий даромад манбаи яратилди. Бу белгиланган режага нисбатан 114%ни ташкил этади.

Бундан ташқари, 2022 йил апрель ойида солиқ қарзини ўтган ойга нисбатан 10 фоиз қисқартириш чораларини кўриш йўналишида белгиланган режа 124% га бажарилди. (700 млрд сўм).

2022-йил апрель ойида “Темир дафтар”га киритилган оилаларни рўйхатдан чиқариш чораларини кўриш бўйича бажарилган ишлар даражаси 128,3 %ни ташкил этди. Яъни 300 та оила Темир дафтар”дан чиқарилди.

Яширин иш ўринларини легаллаштириш ҳисобига даромад солиғи тўловчилари сонини ошириш бўйича режа 102%га бажарилиб 45 минг нафар солиқ тўловчи фаолияти расмий секторга ўтказилди.

«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идораларaро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши эса 100%га бажарилди.